

ЯНГИ ТОШКЕНТ СТАДИОНИ ЁШЛАР УЧУН ИЛҲОМ, ХАЛҚИМИЗ УЧУН ИФТИХОР РАМЗИ ВА МУХЛИСЛАРГА КАТТА СОВҒА БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 ноябрь куни Янги Тошкентда йирик спорт иншооти — замонавий футбол стадиони қурилишига тамал тоши қўйиш маросимида иштирок этди.



Сўнгги беш йил мамлакатимиз футбол соҳасида туб бурилиш даври бўлди. Жумладан, маҳаллий чемпионатлар тизими ислоҳ қилиниб, болалар ва ўсмирлар академиялари ташкил этилди, ҳудудларда 75 та катта ва 302 та мини стадион фаолият кўрсатмоқда. Маълумки, 2017 йилда юртимизда ФИФА ва Осиё футбол конфедерацияси талабларига жавоб берадиган майдонларнинг сони атғи 3 та бўлган. Бугун уларнинг сони 10 тадан ошди.

Яқинда Юқори Чирчиқ туманида замонавий Миллий футбол маркази қуриб битказилди. Футбол мактабларида 65 мингдан ортиқ ёшлар машғулотлар ўтказмоқда. Ушбу мактабларга жаҳоннинг нуфузли футбол клубларидан тренерлар, спорт тиббиёти ва фармакологияси бўйича малакали мутахассислар жалб қилинган.

Футболчиларни маҳалладан бошлаб селекция қиладиган тизим яратилди. Бунга алоҳида имтиёзлар жорий қилиниб, 9 мингдан зиёд маҳалланинг 70 фоизда футбол учун мини майдончалар ташкил этилди.

Шунингдек, 1,5 мингта мактабнинг футбол стадионлари таъмирланиб, 1 миллиондан зиёд ўқувчи ва маҳалла ёшлари қамраб олинди. Ёшлар ўртасида маҳалла, туман, вилоят ва республика турнирларини анъанавий ўтказиш йўлга қўйилди.

Мусобақаларда ўзини кўрсатган иқтидорли ёшлар футбол мактабларига тўғридан-тўғри қабул қилинмоқда.

Бу сазй-ҳаракатлар ўз натижасини бера бошлади.

— Футбол бўйича олимпия терма жамоамиз ўтган йили Париждаги олимпиадада биринчи маротаба иштирок этди. Тарихимизда ilk бор миллий терма жамоамиз келгуси йилда бўладиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди. Аини кунларда Қатарда бўлаётган жаҳон чемпионатида ўн етти ёшгача бўлган футболчиларимиз Осиё чемпиони сифатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари маросимда.

Бугун дунёнинг турли нуфузли клубларида тўп сураётган 20 нафар футболчимизнинг умумий трансфер қиймати 60 миллион доллардан ошди. Айниқса, ўтган ойдан бошлаб ҳамюртимиз Абдуқодир Хусанов Осиёнинг энг қиммат футболчисига айлангани барчамизга фахр ва ифтихор бағишлайди.

Бу натижалар сўнгги йилларда яратилган имкониятлар ҳисобига миллий футбол мактабининг халқаро даражада тан олина бошлаганидан далолат.

— Яқинда ФИФА президенти Жанни Инфантино мамлакатимизга ташрифи давомида Ўзбекистонда футболга эътибор, яратилган инфратузилма, бошқариш тизимидаги ислохотлар билан яқиндан танишиб, ушбу спортдаги туб ўзгаришларни юқори баҳолади. Жаноё Инфантино самимий мулоқотимиз чоғида халқаро футбол ҳамжамиятининг мамлакатимизга бўлган ишончи тобора ортиб бораётгани, Ўзбекистон футболни “Осиё грандлари” даражасида эканини алоҳида таъкидлади, — деди Президент.

2 октябрь куни ФИФА Кенгаши йиғилишида футбол бўйича 20 ёшгача бўлганлар ўртасида 2027 йилдаги жаҳон чемпионатини Ўзбекистон ва Озарбайжонда ўтказиш бўйича қарор қабул қилинди.

Ушбу жаҳон чемпионати доирасидаги ўйинлар икки мамлакатдаги 3 тадан стадионда ўтказилади. Жаҳон чемпионатларининг финал ва ярим финал ўйинлари снғими 50 мингдан кўп бўлган стадионда ўтказилиши ФИФА талабларидан бири ҳисобланади.

— Шу боис, мамлакатимиз футболни учун муҳим лойиҳа — Янги Тошкент стадиони қурилишини бошлаймиз. Қиймати 100 миллион долларлик ушбу стадион қурилиши учун нега айнан Янги Тошкент ҳудуди танланди? Сабаби Янги Тошкент келажақда мамлакатимизнинг янги имкониятлар ва илгор гоьлар марказига айланади, — деди давлатимиз раҳбари.

Янги Тошкент ҳудудидаги барча лойиҳалар замонавий меъморчилик ва миллий қадриятлар уйғунлигида экологик ва

“ақлли бошқарув”га асосланиб барпо этилмоқда. Шу умумий концепция асосида қуриладиган янги стадион ҳам табиат билан уйғун бўлади ҳамда “яшил энергия”, “ақлли бошқарув” ва “қўлай муҳит” тамойилларига асосланади.

Янги Тошкент стадиони ФИФАнинг барча талабларига мос равишда барпо этилади ҳамда Осиёдаги энг йирик ва замонавий инфратузилмага эга футбол майдонларидан бири бўлади.

Бу иншоот нафақат 2027 йилги 20 ёшгача бўлганлар ўртасидаги жаҳон чемпионати учун, балки бутун Ўзбек футболни ва ёшлар спортининг келгуси ўн йиллик ривожини учун хизмат қилиши таъкидланди.

Қайд этиш лозим, мамлакатимизнинг ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида меҳонлик қилиши халқаро ҳамжамиятининг Ўзбекистонга бўлган ишончи ва ҳурматининг яна бир ифодасидир.

Шу муносабат билан чемпионатга тайёргарлик бўйича алоҳида давлат дастури қабул

қилиниши айтилди. Инфратузилма, транспорт, меҳмонхона, тиббий хизмат ва волонтерлик тизимлари бўйича масъул вазирликларга аниқ вазифалар белгилаб берилди.

— Янги Тошкент стадиони учун ҳозир биз қўядиган тамал тоши — бугунги меҳнатимизнинг ва эртанги галабаларимизнинг асосидир. Ишонамкин, бу улкан иншоот ёшлар учун илҳом, халқимиз учун ифтихор рамзларидан бири бўлиб, юртимиздаги миллионлаб футбол мухлисларига катта совға бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янги Тошкент стадиони пойдеворига капсула қўйиб, қурилишини бошлаб берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 ноябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида янада ривожлантириш ва мустақамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Товар айирбошлашнинг ўсиш суръатини сақлаб қолиш, иктисодиётнинг устувор тармоқларида кооперацияни, шу жумладан, энергетика соҳасидаги кўшма лойиҳаларни илгари суриш, ҳудудларнинг ишбилармонлик алоқалари ва маданий-гуманитар алмашинувини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йил 22 октябрь куни Москва вилоятида ўтган Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари кенгашининг иккинчи йиғилиши самарали бўлгани мамнуният билан қайд этилди.

3 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон — Россия Ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ва унинг доирасида кўшма бизнес форумини самарали ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди, бўлажак тадбирларнинг режаси муҳокама қилинди.

ЎЗА

АТРОФ-МУҲИТ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 ноябрь куни экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда табииати муҳофаза қилиш, атмосфера ҳавосини яхшилаш, яшил ҳудудларни кўпайтириш ва иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин амалдаги тизимдаги тарқоқлик, масъулият ва ваколатларнинг турли идоралар ўртасида бўлиниб кетгани натижасида ишлар самараси ҳам доимо кутилган даражада бўлмаяпти.

Шу муносабат билан йиғилишда соҳада бошқарувни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар кўриб чиқилди.

Атроф-муҳит сифатини, шаҳарларда атмосфера ҳавосини яхшилаш, яшил ҳудудларни ривожлантириш, табиятга масъулиятни муносабатни шакллантириш ва табиий меросни муҳофаза қилиш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда молиялаштиришни марказлашган ҳолда олиб бориш таклиф этилди.

Экологик назоратни алоҳида ёндашувлар асосида йўлга қўйиш ва масъул идораларнинг ваколатларини кенгайтириш режалари ҳақида маълумот берилди. Бунда соҳадаги қоидабузарликларга қарши тезкор чора қўриш, даракларнинг

ноқонуний кесилиши, ҳавонинг ифлосланишини олдини олиш, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш механизми, шунингдек, саноатда экологик тартибга солишни такомиллаштириш ва аҳоли пунктларида яшил ҳудудларнинг сақланишини таъминлаш чоралари кўриб чиқилди.

Президентимиз билдирилган таклифларни маъқуллаб, уларни бошқарувада сифат ва самарадорлиқни янги босқичга олиб чиқиш, назорат ва масъулиятни кучайтириш нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш юзасидан топшириқлар берди.

ЎЗА



120 йил халқ билан бирга



11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик юбилейига бағишланган тантанали байрам тадбири ташкил этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида ўтказилган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вази́рлар Маҳкамаси вакиллари, сенаторлар, депутатлар, соҳа фаоллари, халқаро меҳнат ва касаба уюшмалари ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва аъзоларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Коммуникациялар департаменти раҳбари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳамда мамлакат касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги нишонланаётган кунлар касаба уюшмалари тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган сана бўлди. Зеро, ушбу байрам муносабати билан касаба уюшмалари ҳаракати ривожига муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ фаол, фидойи ва ташаббускор юрдошларимиз Президентимизнинг фармони билан давлат мукофотларига сазовор бўлди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева мукофотларни тантанали равишда ўз эгаларига топширди.

Давоми 2-бетда

ВАТАНГА САДОҚАТ, ИНСОН ҲАЁТИГА ХУРМАТ ВА ФИДОЙИЛИК ИФОДАСИ

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида кейинги йилларда кечаётган тарихий янгиланишлар жараёнида соғлиқни сақлаш тизимида чуқур ислохотлар, инсон қадри ва ҳаёт сифатига қаратилган янги ёндашувлар босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Натижада бирламчи тиббиёт муассасалари қуввати 60 фоиз ошиб, тиббий хизмат аҳолига анча яқинлашди. Илгари, асосан, пойтахтда ба-жарилган юқори технологик ва диагностика-даволаш усулларининг 400 дан ортиғи ҳудудларда амалга оширилмоқда. Юзлаб мураккаб амалиётлар вилоят марказларига, кам инвазив операциялар эса туман даражасига туширилди. Ўзбекистонда ўртача умр давомийлиғи эркаклар ўртасида 71 дан 73 ёшга, хотин-қизлар орасида эса 76 дан 77,5 ёшга узайгани ҳам аини йўналишдаги ислохотлар самарасидан далолат беради, албатта.

Президентимизнинг тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан 10 ноябрь кунги учрашуви

ҳамда Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан давлат мукофотларини топишириш маросимида белгиланган вазифалар, илгари сурилган ташаббуслар тиббиёт соҳасини замон талаблари асосида ривожлантириш, аини йўналишдаги ислохотларни тизимли давом эттиришга замин яратиши шубҳасиз.

Зеро, давлатимиз раҳбари мазкур сана муносабати билан соҳа вакилларини самимий табриклаб, уларнинг фидокорона меҳнатини энг юксак қадрият сифатида эътироф этди.

Давоми 3-бетда

Анжуман

АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ЖАМИЯТ ЮКСАТИШИНИНГ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ташкил топганига 30 йил тўлди

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамламokban. Айни йўналишдаги янгиланишлар натижаси ўларок, суд ҳокимияти мустақиллиги мустаҳкамланди, судьялар корпусини шакллантиришда шаффоф ва ҳолис тизим жорий этилди. Энг муҳими, фуқароларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кенгайди. Соҳада рақамли технологиялар ва электрон тизим орқали одил судлов таъминланмоқда.

Пойтахтимиздаги Анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ташкил этилганининг 30 йиллигига бағишлаб ташкил этилган тадбирда шу ҳақда сўз борди. “Конституциявий ислохотлар ва конституциявий назорат институтини ривожлантиришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияда Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатаси, Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Конрад Аденауэр фонди, Тошкент давлат юридик университети мутахассислари, 10 дан ортиқ хорижий Конституциявий суд раислари, судьялари, 30 дан ортиқ эксперт ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Унда сўзга чиққанлар бу анжуман фикр ва тажрибалар майдони, илмий мулоҳаза ва амалий хулосалар чорраҳаси, халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамловчи минбар эканини таъкидлади.

Конституциявий суднинг 30 йиллиги, аввало, мамлакатимиз тараққиёти йўлида мустақил давлатчилик асосларини

мустаҳкамлаш, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият барпо этиш билан боглиқ улкан тарихий жараёнларнинг ёрқин ифодасидир. Бу сана ҳалқимиз учун янгича ҳуқуқий тафаккур, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлашга қаратилган халқларвар давлат сиёсати самараси, конституциявий қадриятлар устуворлиги рамзи сифатида катта сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий аҳамиятга эга.

Конституциявий суднинг ўрни ва мақоми Бош қонунимизда аниқ белгиланган, у давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминловчи органдир. Суднинг қарор ва хулосалари давлат органлари ва фуқаролар учун мажбурий қучага эга, мамлакатимизда ҳуқуқий тизимнинг барқарорлиги ва изчиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Конституциявий ислохотлар фақат ҳуқуқий тизимни янгилаш эмас, балки жамият онги, фуқаролар ва давлат муносабатини, инсон қадрига бўлган қарашни тубдан ўзгартирган улкан жараёндир. Янги тахрирдаги Конституцияда давлатнинг ижтимоий моҳияти, инсон қадри, адолат ва ҳамжиҳатлик

тамоийллари мустаҳкамланди. Бу ислохотлар ҳалқимиз иродаси, юртдошларимизнинг юксак ҳуқуқий онги ва “Инсон қадри учун” ғоясининг амалий ифодасидир.

Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрель куни бўлиб ўтган референдумда умумхалқ овоз бериш йўли билан қабул қилинган янги тахрирдаги Конституция янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратди. Миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Конституцияда давлат қурилишининг стратегик мақсади ижтимоий давлат барпо

этиш экани белгилаб қўйилди. Ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди. Инсон ҳуқуқи ва эркинликларини кафолатлашнинг конституциявий асослари мустаҳкамланди.

Ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принциплари ҳамда ўзаро тийиб туриш монанвий концепциясини ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати ўртасида ваколатлар қайта тақсимланди. Жойларда ҳокимлар ва халқ депутатлари кенгашлари ваколатлари тақсимланишига асосланган давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг янги модели яратилди.

“ Конституциявий суд бугунги кунда Ўзбекистонда ҳуқуқ устуворлиги ва адолат ғояларининг амалий кафилига айланди. Давлат ҳокимиятининг барча тармоқ ва бўғинлари, мансабдор шахслар фаолиятида адолат, қонунийлик, фуқаролар олдидаги юксак масъулият, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига таянган самарали ва одил бошқарув маданиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Boшланиш 1-бетда

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

120 ЙИЛ ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

Тантанали тадбирда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан инсон манфаатларини таъминлаш йўлида ўтган 8-9 йил давомида жамият ҳаётининг барча жаҳонларида бирдек олиб борилаётган кенг қўламли ва тизимли ислохотлар ҳамда янгиланишлар, уларнинг салмоқли натижалари алоҳида таъкидланди. Ўтган қисқа вақт ичида ҳалқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон нуфузини дунё миқёсида юқори поғонага кўтариш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилиб, салмоқли натижаларга эришилгани алоҳида қайд этилди. Ушбу ютуқлар жамият ҳаёти ва ҳалқимиз турмушидаги ижобий ўзгаришларда яққол намоён бўлмоқда. Янги Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқлари ва қўлга киритаётган натижалари бугун халқаро миқёсда ҳам тан олинди, юксак эътирофларга сазовор бўлмоқда.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик учун яратилган кенг имкониятлар натижасида мамлакатимиз касаба уюшмалари фаолияти ривожланиш босқичига кирди. Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари юртимиздаги ислохотлар ва ўзгаришларда фаоллиқни янада ошириб, турли соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, бугун халқ ташкилотига айланган касаба уюшмалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари федерацияси ва Иш берувчилар конфедерацияси ўртасида имзоланган бош жамоа қелишуви, амалдаги 103 та тармоқ қелишуви ҳақида 127 мингдан ортиқ жамоа шартномалари орқали меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаб

Инсон қадри учун

“ Вилоятда 2025 йилга келиб жамоа шартномалари сони 6130 тага етди, аъзолар сони эса 645 минг 671 нафарга кўпайди. Эндиликда бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириб, ҳар бир инсонга муносиб меҳнат, касб соҳасида ўсиш, дам олиш ва саломатлигини тиклаш учун зарур шароит яратиш касаба уюшмаларининг устувор вазифаси бўлиб қолади.

келмоқда. Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартларига иш берувчилар томонидан зориат этилиши бўйича изчил жамоатчилик назорати олиб бориляпти. Касаба уюшмалари инспекторлари томонидан ўтган 5 йил давомида 13 мингдан ортиқ ташкилотда жамоатчилик назорати амалга оширилиб, 46 мингта

камчилик аниқланди ва уларнинг 39 мингдан ортиғи бартараф этилди.

Шунингдек, касаба уюшмаларига келиб тушган қарийб 27,5 миң мурожаатни қўриб чиқиш натижаларига кўра, 32 минг 651 шахсининг ҳуқуқлари тикланиб, ходимлар фойдасига қарийб 106 миллиард сўм маблағ ундириб берилишига эришилди. Нодавлат сектордаги ходимларнинг ҳам жамоа шартномалардаги имтиёз ва кафолатлардан фойдаланишини таъминлаш мақсадида уларни касаба уюшмаларига жалб этиш борасида амалга оширилган сый-ҳаракатлар натижасида касаба уюшма аъзолари сони 8 миллион нафарга етди.

Давлат дастурларини амалга оширишда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш, аҳоли турли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ишларни янада қулайитириш чоралари кўрилди. Ўтган 5 йил давомида ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини бажариш доирасида жамоа шартномалари ва қелишувлари орқали иш берувчилар ва касаба уюшмалари ижтимоий шериклигида 353 минг 325 оиллага ва 945 минг 853 фуқарога 966 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Касаба уюшмаларининг ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш йўналишидаги ишлари ҳам сифат ва миқдор жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Кейинги йилларда ушбу йўналишда барча имконият-

лардан кенг фойдаланилди. Хусусан, охириги тўққиз йилда 14 та янги санаторий қурилиб, фойдаланишга топширилди ва яна 10 га яқин реконструкция қилинди. 2 минг43 ўринлар сони 2017 йилга нисбатан 2 натижада ўзини, йилга қўшимча 60 мингдан ортиқ аҳолини соғломлаштириш имкони яратилди.

Кейинги 5 йилда федерация тизимидаги санаторийларда 900 мингга яқин фуқаро соғломлаштирилди, уларнинг 43 фоизига имтиёзли йўлнамалар ажратилиб, саломатлиги мустаҳкамланди.

— Қонуний меҳнат муносабатларини тақомиллаштириш, ишчи-ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жамоатчилик назоратини янада ривожлантириш ижтимоий давлатнинг муҳим мезонларидан саналади, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши раиси Сайёра Фаизиева. — Бу борадаги устувор мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда касаба уюшмалари фаолияти муҳим ўрин тутади. Шу боис, сўнгги йилларда юртимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида мазкур ташкилот фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Жорий йил 17 октябрь куни Президентимизнинг касаба уюшмалари фаоллари билан бўлиб ўтган учрашуви давлатимиз томонидан касаба уюшмалари фаолиятига, унинг кўп сонли аъзоларига қаратилаётган катта эътибор

ва юксак ҳурматнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Мулоқотда Президентимиз янги Ўзбекистонни барпо этишда эришилган натижаларда энг халқчил ва салоҳиятли нодавлат ташкилоти бўлган касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида эътироф этгани барчани қувонтирди.

Ҳақиқатан, бугунги кунда касаба уюшмалари ҳар бир фуқаронинг муносиб меҳнат шароитида ишлаши, ўз меҳнатининг самарасидан рози бўлиши учун кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Буни охириги йилларда эришилган натижалар ҳам исботлайди. Жумладан, ҳозирги вақтда Тошкент вилоят касаба уюшмалари томонидан меҳнат соҳасига оид 2,5 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси қўриб чиқилиб, мутасадди ташкилотларга таклиф ва тавсиялар киритилди.



Вилоятда 2025 йилга келиб, жамоа шартномалари сони 6130 тага етди, аъзолар сони эса 645 минг 671 нафарга кўпайди. Эндиликда бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириб, ҳар бир инсонга муносиб меҳнат, касб соҳасида ўсиш, дам олиш ва саломатлигини тиклаш учун зарур шароит яратиш касаба уюшмаларининг устувор вазифаси бўлиб қолади.

Байрам тадбирида 20 дан ортиқ хорижий давлатлардан таширф буюрган меҳмонлар ҳам иштирок этди. Улар ҳам Ўзбекистонда касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик шонли тарихи билан танишиш имконига эга бўлди. Хусусан, бадий саҳна кўринишлари орқали юртимизда илк касабачилик ҳаракатининг пайдо бўлиши, сўнгра Сирдарё вилояти идора ходимлари ва бухгалтерлари касаба уюшмаси, Туркистон фармацевтика ходим-

муҳокама қилиниб, уларнинг илгор тажрибалари билан ўртоқлашилди.

Шу билан бирга, конституциявий назоратни янада самарали ташкил этиш, суд тизимини халқаро ҳуқуқий стандартларга мослаштириш ва инсон ҳуқуқларини кафолатлаш борасида таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Қайд этилганидек, Конституциявий суд бугунги кунда Ўзбекистонда ҳуқуқ устуворлиги ва адолат ғояларининг амалий кафилига айланди. Давлат ҳокимиятининг барча тармоқ ва бўғинлари, мансабдор шахслар фаолиятида адолат, қонунийлик, фуқаролар олдидаги юксак масъулият, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига таянган самарали ва одил бошқарув маданиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Халқаро конференция доирасида Таиланд Қироллиги Конституциявий суди томонидан 2026-2027 йилларда Осиё конституциявий судлари ва эквивалент институтлар уюшмасига раислик қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига ўтиши муносабати билан тузилманинг раамий байроғини Ўзбекистон Конституциявий судига топшириш маросими бўлиб ўтди.

Осиё конституциявий судлари ва эквивалент институтлар уюшмаси президенти, Таиланд Қироллиги Конституциявий суди президенти Накхарин Мектрайрат уюшма раислигини Ўзбекистон Конституциявий судига расман топшириш шараф эканини таъкидлади.

У уюшмага раислик рамзи бўлган байроқни топширар экан: “Мен Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раислигида Осиё конституциявий судлари ва эквивалент институтлар уюшмаси янада мустаҳкамлашиб боришига, уюшма қонун устуворлигини таъминлашда янада муҳим роль ўйнаши ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишида ташкилотга аъзо барча 22 давлат бирлашишига ишонаман”, деди.

Халқаро конференция ўз ишини учта сессияга бўлинган ҳолда давом эттирди.

Конституциявий суд ташкил этилганининг 30 йиллиги муносабати билан фахрий судьялар, фаол ҳамкор ташкилотлар ва олимлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг эсдалик нишонлари билан тақдирланди.

Бугунги мулоқот натижалари, шубҳасиз, умумий мақсадимиз — адолат, қонун устуворлиги ва инсон қадрини юксалтириш сари қўйилган наватдаги муҳим қадам бўлади.

Бир сўз билан айтганда, бу халқаро анжуман нафақат Конституциявий суднинг 30 йиллик фаолиятини, балки янги босқичдаги адолатли судлов, инсон қадри ва қонун устуворлиги йўлидаги биргаликдаги қатъиятнинг ифода этиши билан аҳамиятлидир.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



2025 йил 12 ноябрь, 233-сон

ВАТАНГА САДОҚАТ, ИНСОН ҲАЁТИГА ҚУРМАТ ВА ФИДОЙИЛИК ИФОДАСИ

Бошланиши 1-бетда

Шу билан бирга, фармацевтика тармоғининг тиббиётдаги ўрни эътиборга олинди, байрамни эндиликда Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари кўни сифатида нишонлаш таклифи билдирилди.

Тиббиётда халқ баҳосини эшитадиган янги тизим, соҳа ходимларини рағбатлантиришнинг янги механизмлари жорий этилиши каби қатор вазифалар белгиландики, буларнинг барчаси тизим самарадорлиги,

ҲАР БИР МАРКАЗ ВА ШИФОХОНА ХАЛҚНИКИ!

Маҳмарасул УМАРОВ, Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи



Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан учрашуви нафақат соҳа вакиллари, балки бутун жамиятимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Чунки тиббиёт инсон ҳаёти, миллат саломатлиги ва жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ энг масъулиятли жабҳалардан. Шу боис, Президентимиз мазкур учрашувда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, шифокорлар меҳнатига муносиб шароит яратиш ва соҳа нуфузини янада юксалтириш орқали аҳолини тиббиётдан рози қилиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Учрашувда илгари сурилган ташаббуслар, берилган вазифа ва билдирилган фикрлар мамлакатимизда тиббиёт соҳасини тубдан янгилашга янги Ўзбекистон тараққиётининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётганининг аниқ далилидир. Президентимиз учрашувда биз, соҳа вакилларига чуқур ҳурмат ва миннатдорлик изҳор этиб, тиббиёт тизимини ислоҳ қилишда янги, аниқ вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, тиббиёт муассасаларидаги бошқарувни тубдан янгилаш, замонавий менежментни жорий этиш, шифокор ва ҳамширалар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини қайта қўриб чиқиш каби муҳим масалалар бугуннинг талаби асосида белгиланди.

Тиббиёт самарадорлигини ошириш мақсадида бош шифокор лавозимига менежерлик қўнимкаларига эга номзодларни тайинлаш, шифокор ва ҳамшираларнинг меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича жуда муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Бу, шубҳасиз, тизимда ҳақиқий рақобат ва натижадорлик муҳитини яратишга хизмат қилади.

Шунингдек, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар бир туман ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлиmlари фаолияти аҳолининг соғлигини сақлаш билан боғлиқ тахлиллар асосида ташкил этилиши лозим. Яъни қайси ҳудудда қандай касаллик кўпайгани ёки қамайдигани илмий таҳлил қилиш, шу асосда қора-тадбирлар белгилаш, профилактик ишларни кучайтириш бугуннинг долзарб вазифасидир.

Ўз навбатида, мазкур вазифалар Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш тизими фаолияти учун ҳам муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Бугун ҳудудда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларни эрта аниқлаш, тиббий хизмат

ғўдақлар ўлими кўрсаткичи ўтган йилдагига нисбатан сезиларли қамайди. Бу профилактик кўриклар, тўлиқ перинаталь кузатув ва оилавий шифокорлар масъулиятини ошириш натижасидир.

Ҳозир 383 мингдан зиёд аёл мунтазам профилактик кўриқдан ўтказилмоқда, бачадон бўйни ва кўкрак беи саратони бўйича скрининглар тизимли йўлга қўйилган. Болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида 563 мингдан ортиқ ўғил-қиз тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича соғломлаштирилди. Шу билан бирга, “Болалар саломатлиги ҳафталиғи” доирасида 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган 156 минг болага витамин ва микроэлементлар бепул етказиб берилди.

Ҳар бир тумандаги шифохона ва поликлиникалар фаолиятида самарадорлигини ошириш, замонавий тиббий ускуналардан тўлиқ фойдаланиш, рақамлаштириш тизимини жорий этиш борасида аниқ режалар ишлаб чиқилган. “Ҳар бир марказ ва шифохона давлатиники, халқники!” деган тавонийдан келиб чиқиб, энди барча раҳбарлар фаолияти беморлар манфаатига йўналтирилди.

Шунингдек, тиббий таълимни ислоҳ қилиш, оилавий шифокорлик институтини ривожлантириш, олий маълумотли ҳамширалар улушини ошириш, меҳнатини муносиб рағбатлантиришга қаратилган чоралар ҳам соҳадаги тизимли ўзгаришларнинг муҳим йўналишидир. Бу ислохотлар Жиззах вилояти тиббиёт муассасаларида ҳам амалиётга жорий этилди. Ёш кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича янги тизим йўлга қўйилди.

Президентимизнинг шу йил 9 ноябрдаги “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлаш чоралари

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ УЛКАН МАҚСАДЛАРГА УНДАЙДИ

Марҳабохон АЛИЕВА, Олтиариқ туманидаги 89-оилавий поликлиника мудираси, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби

Президентимизнинг “Тиббиёт ходимлари кўни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида кўра, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирландим. Бу қувончли хабарни эшитиб, кўзимда қувонч ёшлари балкиди. Қутлимгаган янгиликдан нафақат оиламиз, балки бутун маҳалламизда байрам бўлиб кетди. Қутлаш учун остона ҳатлаб келган маҳалладошларим изҳорларини эшитиб, кўнглим кўтарилди, фахр, ифтихорга тўлди.



Андижон давлат тиббиёт олийгоҳини тамомлаб, шифокор бўлиб ишлаётганимга 30 йил бўлди. Тўғриси, аввалги иш шароитимиз билан бугунги имкониятларни қиёслаб бўлмайди. Илгари аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ўз ҳолича эди. Тиббий жиҳозлар, малакали врачлар етишмаслиги аҳоли, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишда муаммоларга сабаб бўлган. Олдий қон таҳлилин аниқлаш учун туман марказига боришга мажбур эдик. Энди ҳаммаси ўзгарди.

Мен раҳбарлик қилаётган 89-оилавий поликлиника Олтиариқ туманида 8 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 22 минг 366 аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Тиббиётни рақамлаштириш, “электрон поликлиника”лар хизматидан фойдаланиш борасида жамоамизда биринчилардан бўлиб ислохотлар қилинди. Натижада касалликларни эрта аниқлаш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш қўлами янги босқичга чиқди. Ҳар бир маҳалла кесимида тиббиёт бригадалари ташкил этилди. Мазкур тизим аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ташхис, таҳлил қилиш, касалликни эрта аниқлаш ва самарали даволаш билан боғлиқ иш жараёнларини мувофиқлаштирди. Энди фуқаро “электрон поликлиника” орқали рўйхатга олинган, оилавий шифокорга йўналтирилади. Шифокор бемор учун зарур текширувларни белгилаб бергач, лаборатория ходими мазкур маълумотлар асосида бемордан керакли таҳлилларни олади ва яна шифокорга юборади. Бу жараён фуқаро ва шифокор вақтини тежаб, тиббий маълумотларни хавфсиз сақлаш имкониятини бермоқда. Беморнинг барча таҳлиллари электрон тарзда оилавий шифокорда кўриниб туради. У шунга асосланиб, муножаатчи-га электрон рецепт беради. Беморнинг белгиланган дорини олиши ҳам электрон тарзда назоратга олинган. Фуқаролар эса тиббий таҳлилларини, касаллик тарихини уйда ўтирган ҳолда онлайн тарзда кузатиш имконига эга. Янги тизим аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ

жараёнларни мақбуллаштириб, ортқча оворагарчиликларнинг олдини олади. Шу каби янгиланишлар сабаб бугун ногиронлик кўрсаткичи пасайди. Юқумли касалликлар билан оғриш ҳолатлари ҳам сезиларли даражада қамайди.

Саломатлик ва физиологик ҳолатига кўра аҳоли тегишли гуруҳларга ажратилиб, тиббий хатловдан ўтказилмоқда. Чунки бирламчи бугун тўлақонли ва самарали ишласа, аҳолининг саломатлик кўрсаткичи яхшиланади. Хавфли хасталикларга чалиниш кескин қамаяди. Шу боис, касалликларнинг олдини олиш мақсадида мунтазам равишда маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот ва профилактика ишларини ўтказишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Президентимиз 10 ноябрь кун тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан ўтказган учрашувда ўз ечимини қутаётган масалалар таҳлил қилинди. Янги вазифа ва имкониятлар белгилаб берилди. Хусусан, рақамлаштириш, хориждан ҳамкор топиш, клиник протоколларни янгилаш, илгор диагностика, профилактика ва даволашнинг урдадайдиган замонавий жамоа шакллантириш барча тиббиёт марказлари, вилоят, туман соғлиқни сақлаш бошқарма ва бўлиmlарининг биринчи навбатдаги вазифаси бўлиши қайд этилди. Энг намунали вилоят, туман соғлиқни сақлаш бўлиmlари, оилавий поликлиника мудирларига “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими” унвони, ордени ва медаллар, 30 миллион сўмдан пул мукофоти берилдиган бўлди. Улар раҳбарлик қилаётган шифохона ва поликлиника инфратузилмасини яхшилашга 500 миллион сўмдан ажратилади. Буларнинг барчаси малакали кадрлар салоҳиятини ошириш ва соҳа ривожига хизмат қилади.

Президентимизнинг “Мен шифокор эғнидаги оқ либосни нафақат касб белгиси, балки Ватанга чексиз садоқат рамзи деб биламан”, деган сўзлари мен каби барча тиббиёт ходимларига қучқувват, илҳом бағишлады. Бундай эътибор ва рағбат янги мақсад, режалар сари ундайди, албатта.

2018 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг бакалавр босқичини тамомлаганимдан кейин “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиясига эришганман. Эгиз ният билан Лондон шаҳрида қучли ўнналиқда таъридан университетда магистратура босқичида тахсил олиб қайтдим. Германия, Австралия, Япония сингари ривожланган давлатларнинг етакчи клиникаларида болалар кардиожарроҳлиги бўлиmlарида профессорлар билан ёнма-ён туриб операциялар қилганимда, малака оширганимда болалар кардиожарроҳлигининг энг сўнгги ютуқларини ўргандим. 2019 йилдан буён болалар кардиожарроҳи сифатида ишлаб, 1000 дан ортиқ юрак операциясини амалга оширишга эришганимни эса давлатимизнинг алоҳида қўллави самараси деб биламан.



Бобур ТЎРАЕВ, Тошкент давлат тиббиёт университетининг болалар кўп тармоқли клиникаси кардиохирургия бўлими кардиожарроҳи



БОЛАЛАР КАРДИОЖАРРОҲЛИГИДА АЛОҲИДА МАКТАБ ЯРАТАМИЗ

Шу йил ёзда юрак қулоқчасидан клапан ясаш технологиясини Ўзбекистонда илк бор қўллашга муваффақ бўлдик. Алоҳида айтишни истардимки, бу борада ҳам бизга билдирилган ишонч муҳим омил бўлди. Мураккаб операцияни Тошкент давлат тиббиёт университети болалар кўп тармоқли клиникасида 6 ёшли беморда амалга оширдик. Уч тавақали клапан етишмовчилиги бўлган болакайни Австралиядаги устозларимдан ўрганган технология ёрдамида ҳаётга қайтардик. Боланинг ўйнаб юрганини кўрганимда, беш соат давом этган операция чоғидаги хавотирлар, машаққатларимиз унут бўлиб кетди. Бир беморимизнинг шифо топиб кетиши учун 30 дан ортиқ ҳамкасбим билан меҳнат қилдик. Шунинг учун менга берилган “Шухрат” медалини бутун жамоамизга эътибор, алоҳида ҳурмат деб биламан.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда болалар кардиожарроҳлиги ҳам изчил ривожланыпти. Яқин-яқингача бу йўналишда, асосан, тугма юрак нуқсонлари даволанади. Тугма юрак нуқсонларининг 40 га яқин тури мавжуд бўлса, уларни даволаш учун 100 га яқин турдаги операция бор. Бизда оддий турдаги юрак операциялари, асосан, ёши каттароқ бемор болаларда ўтказиб келинган. Бугунга келиб, кичик ёшдаги болаларнинг мураккаб турдаги юрак жарроҳликлари йўлга қўйилди. Ҳамюртларимизнинг юрак операцияси учун аввалгидек хорижа бориши кескин қамайган. Аксинча, қўшни республикалардан келаётган беморлар сони охиб бораётир. Бу, албатта, бизнинг, бутун тизимнинг катта ютуғи.

Аслида, бугун ҳамма соҳа жадал ривожланыпти. Бундай силжиш ортида давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар ётибди. Тиббиётдаги катта ўзгаришлар ҳам илмий, ҳам амалий ислохотлар соҳага алоҳида эътибор ва инсон қадрини ортиси билан боғлиқ. Айниқса, чет эл тажрибасини ўрганиб, юртимиз тиббиётига татбиқ қилишга кент йўл очиб берилгани ёш, илмий изланувчи кадрларни катта-катта янгиланлар қилишга ундайпти. Тиббий сугурта жорий этилиши, тиббий таълимнинг ислоҳ қилиниши каби эзгу ҳаракатлар эса беморларга кўрсатилаётган хизмат сифатини оширишга ёрдам берапти.



Тиббиёт ходимлари кўнида давлат мукофоти билан тақдирланишимни умуман кутмагандим. Зеро, юқорида айтганимдек, четда ўқиб, малака оширганим, шу юрт, шу халқ учун меҳнат қилаётганимнинг ўзи олий мукофот. Шундай жағғармалар бор экан, ёшларнинг илмий изланишлари, янгича ишлашга имкон бўлаверади. Очингани айтишим керак, мен ўз ҳисобимдан балки умуман чет элда ўқий олмаган бўлардим. Хорижда ўқиб истганимни шу ватан, шу халқ амалга оширди. Бугунги даражага етганим учун ҳам мамлакатим, халқим олдида бир умр қарздорман.

Танлаган соҳам ривожига ҳисса қўиши, халқ ишончини оқлаш — фарзандлик бурчим. Шундай бўлса-да, меҳнатларимиз юқори баҳолаиб, юксак мукофотга муносиб қўриладим. Бу эътифони меҳнатим билан оқлашга ҳаракат қиламан.

Келажақда болалар кардиожарроҳлиги бўйича алоҳида бир мактаб яратиб, Ўзбекистонни шу йўналишда энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга бор кучим билан интиламан. Чунки бу эътифори бизга қуч, ўз устимизда ишлашга, соҳани ривожлантиришга илҳом беради.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗГА УЙҒУН КЕЛИШУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “С5+1” форматидagi саммит доирасида АҚШ Президенти Дональд Трамп билан учрашувда давлатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, сиёсий мулоқотни мустахкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Кейинги йилларда Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари изчил ривожланиб бормоқда. Товар айирбошлаш ҳажми 4 баробар кўпайиб, қарийб 1 миллиард долларга етди. Мамлакатимизда океанорти давлатининг 300 дан ортиқ компанияси фаолият юритиб, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва инновация соҳалари бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилади.

Хозирги жаҳон амалиётида фаол инвестицион сиёсат юритиш, инвестициялар самардорлигини оширишнинг мақбул механизмининг излаб топиш долзарб масалалардан биридир. Нисбатан қисқа вақт ичида иқтисодий жиҳатдан катта натижаларга эришадиган мамлакатлар тажрибаси ҳам бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, юртимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш каби йўналишларда инвестициялардан фойдаланиш, уларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда инвестицион муҳитни янада яхшилашга устувор аҳамият берилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида кузатиладиган турли иқтисодий буҳронлар, бунда давлатларнинг нисбий афзалликлари инвесторларни даромадини оширишга ундовчи механизмдир. Шу нуқтаи назардан, инвесторлар маблагини нисбатан арзон ҳолатда, меҳнат, энергия, ишлаб чиқариш ресурслари ва қулай инфратузилмага эга ҳудудга жойлаштиришга интилади.

Давлатимиз раҳбари АҚШнинг етакчи компаниялари инвестиция ташаббусларини шахсан қўллаб-қувватлашга тайёрглигини, Ўзбекистон хорижий инвесторлар учун ҳамкор ва муваффақият кафолати бўлиб қоллишига ишонч билдирди.

АҚШнинг етакчи компаниялари, инвестиция фондалари ва молиявий институтлари раҳбарлари билан ўтказилган мулоқот якунида ўзаро манфаатли битимлар имзоланди. Ўзбекистон Геология вазирлиги ва

“Denali Exploration group” компанияси ўртасида нодир ер элементларини ишлаб чиқариш, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда “Re Element Technologies” компанияси ўртасида нодир металллар соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда “Flowserve” компанияси ўртасида насос станцияларини модернизация қилиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар шулур жумласидан.

Шунингдек, тегишли вазирликлар ва АҚШ компаниялари ўртасида суверен тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, сунъий интеллект соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, самолётлар, пахта, соя ва шрот етказиб бериш бўйича битим ва шартномалар тузилди.

Мазкур келишувларнинг ҳар бири иқтисодиётини модернизация қилиш шариоитида давлатимизнинг стратегик йўналишга мос келади. Яъни АҚШ билан келишувлар миллий иқтисодиётимизнинг юқори суръатдаги рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш, замонавий технологияларга асосланган ва юқори қўшимча қиймат яратадиган инвестицион лойиҳаларни ташкил этишга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб бераётган, иқтисодиётнинг рақобатбардош замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашадиган ҳамкор давлатга имтиёзлар бериш бевоисита юртимизнинг очиклик даражасини йфодалади. Бунда йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва хусусий сектор уйғунлигини таъминлашга эътибор қаратилди.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётимиз, ҳалқимиз фаровонлиги учун инвестицион муҳитни соғломлаштириш бўйича юриштиладиган ижтимоий-иқтисодий сиёсат нобойиқ натижа бериб, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг жозибадор давлатлардан бирига айланмоқда.

Ўзбекистоннинг кейинги йиллардаги очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсати давлатимизнинг халқаро нуфузини ошириш билан бирга барқарор, улкан имкониятларга эшик ҳам очмоқда. Бугунги глобал геосиёсий шароитда тенглик, фаол ҳамкорлик, ўзаро манфаатдорлик, тинчликпарварликка асосланган ташқи сиёсий тутумлар ҳисобига янги Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ошмоқда.

Наргиза САЛОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг очиклик ва ишончга асосланган ёндашуви минтақавий сиёсатга янги нафас олиб кирди. Давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, тенглик ва мувозанат тамойиллари бугун халқаро муносабатларда намуна бўляпти. АҚШ ҳам ана шу жиҳатларни тан олган ҳолда Ўзбекистон фондида минтақани мустақил сиёсий марказ сифатида қабул қилляпти, уни глобал ҳамкорликдаги тенг шерик сифатида кўрмоқда.

АҚШ инновация борасида жаҳонда етакчи бўлса, Ўзбекистон улкан бозор, юқори суръат билан ривожланаётган иқтисодиёт, кучли инсон салоҳиятига эга давлатдир. Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси ва очик ташқи сиёсати туфайли Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари янги сифат босқичига кўтарилиди.

Икки давлат Президентларининг сиёсий иродаси натижасида кейинги йилларда товар

сидаги ҳамкорлик стратегик шерикликни янада мустахкамлайди. Ўзбекистоннинг АҚШ фуқаролари учун 30 кунлик визасиз режим жорий этгани мамлакатларимиз ўртасида маданият ва таълим алмашинуви ривожлантиришга кенг имкон яратади.

Охириги икки-уч ойда Президентлар — Шавкат Мирзиёев ва Дональд Трампнинг телефон орқали ва юзма-юз ўтказган бир неча самимий мулоқоти АҚШ Ўзбекистонни шунчаки ҳамкор эмас, балки узоқ мuddатли лойиҳаларни ривожлантириши мумкин бўлган мамлакат сифатида кўраётганини яқол тасдиқлайди.

АҚШ етакчисининг давлатимиз раҳбарига билдирган илиқ фикрлари мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар мутлақо янги босқичга кўтарилганининг кучли ва аниқ белгисидир. Жумладан, у ижтимоий тармоқдаги саҳифасида “Шавкат Мирзиёев — бир сўзли инсон”, деб



айирбошлаш ҳажми 4 баробар кўпайиб, қарийб 1 миллиард долларга етди. Ўзбекистонда АҚШнинг 300 дан ортиқ компанияси муваффақиятли фаолият юритмоқда. Қолаверса, саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва инновация соҳаларида қатор йирик кооперация лойиҳалари амалга оширилади.

Ўзбекистон ва АҚШ мулоқоти энди янги амалий мазмун касб этмоқда. Хусусан, минерал ресурслар, энергия хавфсизлиги ва савдо соҳа-

этироф этди. Бу юксак фикр жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали тез тарқалди ва Ўзбекистон Президенти шахсини эътироф этиш баробарида унинг раҳбарлигида амалга ошириладиган ишловларга ишонч рамзига айланди. Бундан АҚШ Президентининг Ўзбекистон билан узоқ мuddатли, барқарор шериклик режалари катта эканини аниқлаш мушкул эмас.

Президентимизнинг АҚШ Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 4-6

ноябрь кунлари Вашингтон шаҳрига амалий ташириш нафақат Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари, балки Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик тизимини ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди.

Таширифнинг сезиларли натижалари ҳақида гапирганда, АҚШ Президенти Ўзбекистон билан савдо ва сармоявий битимларнинг катта тўпламини эълон қилгани, кейинги уч йилда харишлар ва инвестициялар шаклида қарийб 35 миллиард АҚШ доллари, кейинги ўн йилда эса истиқболли лойиҳалар шаклида 100 миллиард АҚШ долларидаги ортиқ йирик лойиҳалар амалга оширилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон ташқи инвестицияни жалб қилишга қаратилган сиёсатини фаоллаштирмоқда. АҚШ томонидан йирик компанияларнинг иштирок этиши мамлакатимиз учун ишонч сигналдир. Бу орқали ташқи бизнес учун қулай муҳит яратилиши билдирилмоқда. Давлатимиз учун бу учрашув ресурслар, инфратузилма, рақамли трансформация каби глобал йўналишларда иштирок этиш имконини кенгайтиради. АҚШ компаниялари учун эса Марказий Осиёдаги стратегик жойлашув, ресурслар ва ўзгарувчан бозор билан яқинлашиш имкони туғилди.

Президентимиз АҚШ компанияларининг инвестиция ташаббусларини шахсан қўллаб-қувватлашга тайёрглигини билдириб, Ўзбекистон хорижий инвесторлар учун ишончли ҳамкор ва муваффақият кафолати бўлиб қолишини таъкидлади. Бу эса АҚШ компанияларининг юртимизга қизиқишини янада оширди.

Шу маънода, ушбу учрашув Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида бизнес ва инвестиция шериклигини янги босқичга кўтариш учун муҳим босқич бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ишбилармонлик дастури орқали мамлакатимизда янги секторлар очилиши, АҚШ компаниялари ва молия институтлари билан амалий келишувлар кутулаётганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Президентининг Оқ уйда АҚШ Президенти Дональд Трамп билан учрашуви томонларнинг ўзаро ишончини янада мустахкамлаб, кўпқиррали ҳамкорликни ривожлантиришга замин яратди.

Музокаралар давомида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, сиёсий мулоқотни мустахкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Дональд Трампни ички ва ташқи сиёсатдаги юксак муваффақияти билан самимий табриқлаб, унинг ўтқир халқаро ва минтақавий мижозларини тинч йўл билан ҳал этишга қўшаётган шахсий ҳиссаси ва сайҳаракатларини алоҳида қайд этди. Ўз навбатида, Дональд Трамп шу кунларда Ўзбекистон

етакчиси АҚШ ҳукумати вакиллари, йирик компаниялари ва молиявий институтлари раҳбарлари билан самарали учрашув ва музокара-лар ўтказганини олқишлади.

Шу нуқтаи назардан, бу мулоқот ва эришилган келишувлар Ўзбекистон — АҚШ ўртасида ўзаро ҳурмат ва манфаатга асосланган муносабатларнинг янги қирраларини очиб, ҳамкорликни аниқ лойиҳа ва келишувлар билан бойитишга хизмат қилди. Бу, ўз навбатида, томонларнинг ўзаро ишончини янада мустахкамлаб, кўпқиррали ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам замин бўлди.

Ўзбекистон ва АҚШ ташаббуси билан ташкил этилган “С5+1” формати минтақа мамлакатларини умумий мақсадлар — барқарор ривожланиш, иқтисодий ўсиш, хавфсизлик ва экологини мустахкамлаш йўлида бирлаштирувчи самарали мулоқот воситасига айланди.

Ўзбекистоннинг “С5+1” доирасидаги фаол роли алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, Президентимиз ташаббуси билан бу формат янгича мазмун касб этди. Геосиёсий эмас, амалий иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликка асосланган механизм сифатида шаклланди. Тошкент томонидан нафақат қўллар, балки уларни амалга оширишнинг аниқ амалий механизмлари ҳам таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбарининг Президент Дональд Трамп раслигида ўтган Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг “С5+1” форматидagi саммитда иштирок этгани ушбу тадбирнинг нуфузини том маънода янада оширди. Ушбу саммит Марказий Осиё ва АҚШ ўртасидаги стратегик мулоқотни ривожлантиришда янги босқични бошлаб беради.

Олий даражадаги саммитнинг ташкил этилиши АҚШ ва минтақа мамлакатлари ўртасида янги масъулият ва самарали ҳамкорлик дари бошланганидан дарак берувчи сигналдир. Бунга қадар ҳеч қачон Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари бир пайтнинг ўзида Оқ уйда жам бўлиб, АҚШ билан музокара ўтказмаган эди.

Давлатимиз раҳбари “С5+1” формати доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, минтақа қишлоқ хўжалигини Америка технологияларини жорий этган ҳолда модернизация қилиш мақсадида Минтақавий агротехнологик инновациялар шериклигини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди. Бу қишлоқ хўжалигини замонавий, илмий-технологик асосда ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустахкамлашга қаратилган муҳим ташаббусдир.

Ушбу ташаббус амалга ошса, минтақада инновация агротехнологиялар жорий этилиб, қишлоқ жойларда иш ўринлари кўпаяди. Озиқ-овқат экспорти ўсиб, экологик барқарорлик таъминланади. Энг муҳими, Марказий Осиё давлатлари ўртасида иқтисодий интеграция мустахкамланади. Шу боис, бу ташаббусни фақат технология эмас, балки минтақавий ҳамжиҳатлик, инновация ривожлантириш ва барқарор қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган стратегик дастур дейиш мумкин.

Навбатдаги саммитни Самарқанд шаҳрида ўтказиш таклифи эса алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу таклиф иштирокчи давлатлар томонидан яқинлик билан қўллаб-қувватланди. Бу бежиз эмас, албатта. Бинобарин, Самарқанд — жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири, “Шарқ гавҳари”, “Тамаддунлар чорраҳаси” сифатида танилган. Саммитни айнаш шу шаҳарда ўтказиш халқаро ҳамжамиятга Ўзбекистоннинг бую тарихий мероси ва маданий мулоқот аънаъларига юксак ҳурматини намойён этади. Зеро, Самарқанд тинчлик, мулоқот ва ҳамжиҳатлик рамзидир. Давлатимиз раҳбарининг таклифи ҳам айнаш шу юғларга мос бўлиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятда тинчлик ва барқарор тараққиёт ташаббуслари сифатидаги мавқени мустахкамлайди.

Қисқаси, саммитда Ўзбекистон илгари сурган барча ташаббус Тошкентнинг фаол дипломатиясини намойён этади. “С5+1” формати нафақат сиёсий мулоқот, балки иқтисодий ҳамкорлик учун ҳам янги имкониятларни яратди. Умуман айтганда, бугун Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларида ўзига хос тарихий саҳифа очилди. Океанортига ташириб ўзаро ҳамкорликни мустахкамлаш йўлида муҳим қадам бўлиб, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқиб, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга замин ҳозирлайди. Энг муҳими, сиёсий мулоқотни мустахкамлаб, аввал имзоланган инвестиция келишувлари амалга ошишини тезлаштиради.



Марказий банк ҳар ой якуни бўйича аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида аънаъанавий тарзда сўровнома ўтказиб, инфляцияни қутулмалар шарҳини эълон қилиб боради. Октябр ўчун тайёрланган ҳисоботда инфляцияни қутулмалар сентябрдаги нисбатан пасайиб, мос равишда 11,7 ва 11,1 фоизни ташкил этгани маълум бўлди. Марказий банк шарҳига кўра, коммунал хизматлар, ёқилги ва энергетика нархи ошиши асосий хавотирлигича қолмоқда. Энг юқори инфляцияни қутулмалар пойтахт ва Тошкент вилоятида кузатилди.

Апрель-май ойидан буён барқарор бўлиб келаётган асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг мавсум билан боғлиқ омиллар ҳисобига қимматлашшини бўйича қутулмалар даражаси бир оз кўтарилган. Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши ҳамда транспорт хизмати қимматлашуvinинг инфляцияга таъсири аҳолини камроқ таъшишга сола бошлаган.

Валюта курсининг ўзгариши бўйича хавотирлар сўмининг долларга нисбатан мустахкамланиши фондида ўзининг тарихий минимумларига пасайган. Марказий банк

шарҳига кўра, респондентларнинг асосий қисми келгусида нархлар кескин ўзгармаслиги ва босқичма-босқич пасайиб боришини кутмоқда.

Октябрда тадбиркорлик субъектларининг инфляцияни қутулмалари ҳам ўтган ойга нисбатан 0,6 фоиз бандга секинлаб, 11,1 фоизни ташкил этди. Бизнес вакиллари нуқтаи назарда нархларга оширувчи босим кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сезиларли ўзгаришсиз сақланиб қолмоқда. Сентябрьдан бошлаб тадбиркорларнинг хомашё нархи

ошиши бўйича хавотирни кучаймоқда. Айни пайтда иш ҳақи ва нафақалар, шунингдек, доллар курси ошиши, солиқ юки юқорилигини таъкидлаганлар улуши камайган.

Аҳоли орасида энг юқори инфляцияни қутулмалар маийши хизматлар соҳаси вакиллари томонидан билдирилган бўлса, нисбатан паст қутулмани пенсионерлар қайд этди. Сентябрьда энг юқори инфляцияни қутулмалар пенсионерлар томонидан билдирилган.

Тадбиркорлар орасида юқори инфляцияни қутулмалар маданият ва саноат соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар томонидан қайд этилган бўлса, нисбатан паст қутулмалар қишлоқ хўжалиги соҳасида кузатилди.

“Хизмат кўрсатиш соҳаси вакилларининг нарх ўзгаришига тезроқ жавоб бериши табиий — уларнинг қутулмаси юқориюқ. Таълим ва илмий фаолият билан шуғулланаётганлар орасида эса нархлар бўйича ёндашув янада сокин”, дея изоҳлайди регулятор.

Даромади 7 миллион сўмдан юқори бўлган аҳолининг инфляцияни қутулмалари нисбатан юқори даражада шакланган.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда инфляцияни қутулмаларнинг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри ва вилоятида кузатилган. Нисбатан паст қутулмалар даражаси Фарғона водийсидаги вилоятларга тўғри келади. Марказий банкнинг қайд этишича, бу ҳудуддаги бозор шариоти ва харажатлар таркибидаги ўзгаришлар билан изоҳланади. Шунингдек, бунга аҳолининг даромад даражасини қўшимча қилиш мумкин.

Марказий банкнинг хулоса қилишича, сўров натижалари нархлар бўйича қутулмалар босқичма-босқич пасаяётганини кўрсатмоқда. Бу, бир жиҳатдан, иқтисодий ишонч шаклланаётганидан, иккинчи тарафдан эса қарорлар ва сигналларнинг эҳтиёткорлик билан баҳоланаётганидан далолат беради.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, жорий йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистонда ўртача ойлик иш ҳақи 6,2 миллион сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 19,2 фоиз кўп. Энг кўп ойлик маош Тошкент шаҳри аҳолисига тўғри келмоқда — 10,3 миллион сўм. Энг кам иш ҳақи оладиганлар эса Сурхондарё вилоятида — 4,3 миллион сўм.

Шунингдек, манбага кўра, айни пайтда энг кўп маош банк, сўғурта, лизинг ҳамда кредит воситачилиги ходимларига тўланмоқда — 16,8 миллион сўм. Иккинчи ўрини эса информация технологиялар ва алоқа соҳаси ходимлари банд этган. Улар ўртача 14,9 миллион сўм маош олмақда.

Ташиш ва сақлаш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 9,3 миллион сўмни ташкил этган

бўлса, саноат соҳасида ўртача 7,3 миллион сўм тўланмоқда. Айни пайтда энг кам ойлик иш ҳақи таълим соҳаси ходимларига берилмоқда — 4,2 миллион сўм.

Туман ва шаҳарлар орасида энг юқори маош Миробод туманида (13,1 миллион сўм), энг паст иш ҳақи эса Қашаши туманида (3 миллион сўм) қайд этилди. 28 та туман (жами туманларнинг 13,6 фоизи)да иш ҳақи республикадаги ўртача кўрсаткичдан юқори шакланган. Мазкур туманларни ҳисобга олмаганда республикадаги ўртача иш ҳақи 4 миллион сўмни ташкил этади.

Ақсарият ҳудудларида иш ҳақи мамлакатдаги ўртача кўрсаткичнинг 70 фоизидан паст. Хусусан, ўртача иш ҳақи 4,3 миллион сўмдан кам бўлган туманлар сонини 136 та ни ёки жами туман ва шаҳарларнинг 66 фоизини ташкил этади. Шунингдек, Амулар, Қашаши ва Миришкор туманларида иш ҳақи республикадаги ўртача кўрсаткичнинг ярмини ҳам ташкил этади.

Жорий йилнинг ўтган даврида нисбатан даромад паст туманларда юқори ўсиш қайд этилмоқда. Хусусан, маоши мамлакатдаги ўртача иш ҳақидан паст бўлган ҳудудларда ўртача ўсиш 18,4 фоизни ташкил этган бўлса, ўртача иш ҳақидан юқори туманларда мазкур кўрсаткич 17,5 фоиз бўлган.

Марказий банк ва Миллий статистика қўмитаси маълумотларини ҳам қўриш мумкин, жорий йил бошидан буён нархлар мавсумий тебранишларини ҳисобга олганда ҳам аҳоли ва тадбиркорларда жиддий хавотир уйғотмаган. Аҳолининг реал даромади эса муттасил ўсишда давом этмоқда.

Юнус БҲОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Тўйлар ҳақида ўйлар

ТОПГАНИМИЗ БУЮК ИШЛАРГА БУЮРСИН

Миллат фидойилари

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИНИ ЖАСОРАТ БИЛАН АДО ЭТДИ

Шахло АҲРОРОВА, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори

Агар тўй қандай воқелик деб сўрасак, албатта, ҳамма азалий урф, қадриятимиз деб жавоб беради. Тўғри, азалдан бир ҳовлидан иккинчисига қиз узатиб, фарзандлар боши “икки” қилинар экан, буни элга билдириш учун тўй қилинган. Яъни бегона йигит уйига бошқа ҳовлининг қизи ўз-ўзидан келиб қолмаган, улар ота-оналар фотиҳаси билан, тўй қилиб олиб келинган. Масаланинг ҳудди ана шу элга билдириш моҳияти — қадрият. Қадриятлар эса догматик эмас, улар мудом ўзгаришда, замон, макон, сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар тўғайли такомиллашиб боради, бироқ моҳиятини сақлаб қолади.

Мовароуннахрга саёхат қилиб, бу ерда кўрган-эшитганларини эсдаликларида қайд этиб боради. Унинг келтиришича, хонлар, хусусан, Чингизхон авлодлари, уларнинг бек ва амирлари, лашкарбошилар ҳамда обрўга эга аёллар ҳам иштирок этган “той”лар, яъни йигинлар ҳар йили ўтказилган ва у қурултой деб ҳам аталган. Шунингдек, “той” атамаси зиёфат-йигинларига ҳам нисбатан ишлатилган. Хусусан, ҳижрий 1280 йилда — милодий 1864 йилнинг 5 майига қадар Ҳасан Мурод қушбеги ўғли Муҳаммадни Юсуфбек хоннинг қизига уйлантиради ва бир неча кунлик “той”, яъни тўй зиёфатини беради. Бунда, бир томондан, амалдорлар, пулдор одамларнинг тўйдаги дабдабозликка ўч бўлганини, иккинчи томондан, бир неча кун давомида халқнинг камбағал қатламига хайр-эхсон қилганини кўриш мумкин.

Бироқ тўй ҳашамларига ўқлик қонимизда бор чоғи, айрим манбалар ўша даврларда ҳам тўйпарастлик муаммолари зиёлиларимизни қийнаб келганини кўрсатади. Хусусан, Абдулла Қодирийнинг 1915 йилда “Садои Туркистон” газетасининг 64-сониде эълон қилинган тўй ҳақидаги шеърда бундай мисралар бор:

...Беш кун тўйни сўнгидин
Кетибон мулклар боис, фиғон тўй...
Ўтса тўй бирла ёзу кишимиз,
Айлағай бизни ерга аксон тўй.

Ҳашамбозлик, асосан, илмдан йироқларга хос одат бўлиб келган. Шу боис, жадидларимиз тўйга кетадиган ақчаларни мактаб, мадраса, қироятхона ва шифоҳоналарга сарфлашга даъват қилган, ўзлари элга ибрат бўлишга интилган. Жумладан, “Садои Фарғона” газетасининг 1915 йил 2 апрель сонидаги мақолада қўқонлик зиёли савдо аҳлиридан икки нафари — Ҳожи Маҳмудхон ва Мулла Юсуфхон атторлар биргаликда 5-6 одамни (!) қақриб, фарзандларини суннат қилдиргани баён этилади. Энди буларни ҳатто тўйхонага той етаклаб қириладиган хатна тўйлари билан солиштиринг!

Тўйлар шодиёнага айлантирилиши яхши, аммо улар моддий ва маънавий зарар эвазига бўлиши керак эмас! Энди “топганинг тўйларга” эмас, “топганинг буюк ишларга буюрсин” деган ниятни ўрганиш лозим. Ҳар бир инсон, ҳар бир оила ва умумжамиyat мақсадни юксакроқ олмасак, нафақат иқтисодий, ўзини ҳимоя қилиш каби эҳтиёжлардан, балки маънавий нуқтаи-назардан ҳам муҳтож бўлган. Агар юртимиз тарихига оид қадимий ёзма манба — “Авесто”га суянадиган бўлсак, патриархал тузум ҳукмронлик қилгани, яъни оталар мавқеи оилада етакчилик касб этгани ва тартиб-интизом мустаҳкам бўлгани, бундан ташқари, бугунги

Тўйларимиз ҳам йиллар давомида ўзига хос ўзгаришларга учради. Буни кўпроқ одамларнинг ўзи қиритиб борди. Кимдир “замонавийлигини” намойиш қилиш учун Европада хос удушни сингирди — вальс кўшди, гулни ортига улоқтирди ва яна алламбало нарсалар ўйлаб топилди, кимдир ўзининг саҳийлигини билдириш ёки давлатини кўз-кўз қилиш учун дастурхон ҳажми, сеплар кўлами, меҳмонлар сонини оширгандан оширди. Дабдабазлик ва кўз-кўзчиликка ўч табақа ўртасида ким-ўзар бошланди: турли безак ва ҳашамлар, тўй ўтказиш дастурларида комплекслашув, байрамона мушакбозлик, машиналар қарвони каби урфлар ўйлаб топилди. Ҳатто қуданикига олиб бориладиган тойларга кимхоб кийгизилиб, қўйлар бўйнига алвон тасма боғланди. Хуллас, ким нима “ижод” қилса, тўй ҳашамларига олиб бориб қўшаверди.

Натижада бугун ўртача ҳар бири 100 миллион сўм харажати талаб қиладиган тўйлар ҳамжумаси дунёга келиб қолди. Аси-лада, моҳият нима эди, деган савол эсимиздан ҳам чиқиб кетди. Илгари ёшларнинг бутунгидек никоҳдан ўтиши расмийлаштирилмаган ва далилий ҳужжат бўлмагани тўғайли элга билдириш урфи қўланилган ва моҳият ҳам шу эди. Ҳозир эса ёшлар қўлига никоҳ гувоҳномаси берилади. Қолган хою ҳавасларнинг барчаси шунчаки дабдабозлик ва айрим ҳолларда калтабинлик меваси, холос.

“Мен тўй қилинишига мутлақо қарши чиқаётганим йўқ, зеро, у азалийдир. Келинг, тарихига юзланиб кўрайлик. Ўзбек миллати, умуман, Ўрта Осиё ҳалқида азалдан тўя таналарда ҳаётнинг муҳим қисмини эггаллаб келган. Ҳатто халқ оғзаки ижодида мансуб эртақ ва дostonларда ҳам охирида асар қаҳрамонлари бўлмиш ошиқлар бахтига етиб, “қирқ кечаю қирқ кундуз тўй қилишгани” баён этилади.

Бундан ташқари, Шарқ халқларида жамоавийлик ҳисси устун бўлиб, улар ўзлигини жамоа ва элдан ташқарида кўрмайди. Бунинг ҳам ўзига хос илдиэлари бор. Одамлар жамоа бўлиб бирлашишга

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1146. 34685 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова Мусахҳис: Акбар Қаршиев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 01:50 Топирирди — 02:00



25 йил муқаддам

2000 йилда қўшни давлат орқали Ўзбекистон чегарасини бузиб, Сурхондарё вилоятининг Ўзун ва Сариевнинг туманларига суқилиб кирган террорчиларга қарши жангларда катта лейтенант Шермуҳаммад Аширов ҳам катта жасорат кўрсатди.

Ватан ҳимоясини бўлиш ҳар бир йигитнинг орзуси. Бундай шарафли ва машаққатли бурчини ёруғ юз, уйғоқ виждон билан ўташ, киндик қони тўкилган муқаддас заминни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, юрт осоишталигини йўлида азиз жонидан кечиш фидойилик талаб этади.

Шермуҳаммад Аширов айнан шундай хислатларга эга, ғурурли ўғлон эди. У ватанпарварлиқни фақат китобларда ўқиб, фильмларда кўриб эмас, балки онасининг қўлидаги қадок, отасининг юзидagi ажинлар орқали англаган бўлса, ажаб эмас.

Қаҳрамонимиз Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида зиёли оилада бир сўзли, яқинларига меҳрли бўлиб камолга етади. 1999 йили мактабни тамомлагач, ўзи орзу қилган Жиззаас олий ҳарбий авиация билим юртида тахсил олиб, ҳарбий учувчи мутахассислигини эгаллайди.

Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудларида ўрнашган террорчиларга қарши жангларда Шермуҳаммадга жанговар топиширқ берилади. Юрт тинчлиги, халқ осоишталигини муқаддас бурч деб билган учувчи йигит топиширқни бажаришга жиддий киришиди. Улар тоғли ҳудудда жангарилар гуруҳини аниқлаб, ёвга қаттиқ зарба беради.

Бироқ жангарилар отган ўқ вертолётнинг бир қисмига жиддий зарар етказди. Натижада вертолёт тоққа қараб қулай бошлайди. Вазиятни тўғри баҳолай олган Шермуҳаммад қурулдош дўстларига вертолётдан парашют билан сакрашни, ўзи эса бошқарувни охирига етказиб, сўнг сакрашини айтади. Шерикларининг ҳаммаси сакрагунича ўтган вақт оралиғида вертолёт тоғ қоясига жуда яқинлашиб қолади. Сафдошларининг барчаси вертолётдан сакраганига ишонч ҳосил қилган доворак учувчи душман ўқиға учраб, кабинада қолиб кетади...

Қутқарувчи гуруҳ етиб келганида вертолёт қояга урилиб, жарликка қўлаган эди. Орузулари осмонга, кучи билагига сиймаган Шермуҳаммад 25 ёшида мардларча ҳалок бўлади. Хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган мардлиги, жасорати ва фидойилиги учун II даражали “Шон-шараф” ордени билан мукофотланади. Янгийўл туманидаги 28-мактабга катта лейтенант Шермуҳаммад Аширов номи берилган, бюсти ўрнатилган. Туман кўчаларининг бири ҳам унинг номи билан аталади.

Доим эътибордамиз

Умида АШИРОВА, Шермуҳаммад Ашировнинг рафиқаси: — Турмуш ўртоғим вафот этганида 21 ёшда эдим. Бир ярим яшар қизалоғим Маҳмудани бағримга босганча чирқиллаб қолганман. Қизимнинг жудодликка кўникиши қийин бўлди. Тунлари дадасини қўмсаб йиғлаб чиқар, “тик” этса, “дадам келди”, дея эшикка чопқиллаб борарди. Ўша кунларни эсласам, юрагим ўртаниб, бўғзимга нимадир тикилгандай бўлаверади.

На қизигам отасининг меҳрига, дийдорига, эркалашларига тўйди ва на турмуш ўртоғим қизимнинг энг ширин дамларида, ўксиган чоғларида, бахтли онларида ёнида бўлди. Тақдир бизни шундай айирди.

Отамнинг исми, шарафи ва руҳи бор



Маҳмуда ВАҲОБОВА, Шермуҳаммад Ашировнинг қизи: — Менимча, дунёдаги ҳар бир фарзанд ота-онаси бағрида воғга етишни истайди. Менга шундай бахт насиб этмаган. Бир ярим ёшимада дадам ҳалок бўлган. Вафот этган одам уйига кела олмайдди, қизини эркалаб, бағрига боса олмайдди. Мен бола қалбим билан буни қандай тушунай? Отамни соғиниб, излаб, “дада, дада”, деб кўчага чиқиб кетаверар эканман. Қутиб, йиғлаб эшик олдида ухлаб қоларканман. Демак, отам шунчалик меҳрибон инсон бўлган.

Ҳозир ўғлим Муҳаммадни бағримга босаман-у, болагиним кўз олдимга келади. Отасиз қандай яшадим-а деб ўйлаб қоламан. Ота-сизликка кўникиб яшашни ўргандим, лекин унутиб яшашни эмас. Отасиз ўсшнни ҳеч кимга раво кўрмайман. Гўё қалбингда бир бўшлиқ бор-у, сен қанча катта бўлса, барибир тўймайди. Тўғри, дадамсиз мунгайиб улгайдим, аммо унинг мардлиги ва матонатидан куч олиб, фахрли бўлиб ўсдим. Бошим каби қаддим ҳам, қадрим ҳам ҳамиша тик бўлди.

Мен отамни йўқотганман, холос. Унинг хотирасини эмас. У умрбод қалбимда. Шунинг учун ҳам мен кучли қиз бўлиб улгайдим, орумга эришдим. Олийгоҳга имтиёз билан ўқишга кирдим, билимли, мустақил аёл бўлиб шаклландим. Чунки орқамда отамнинг исми, шарафи, руҳи бор эди.

Мен Ватан қаҳрамонининг қизиман. Бу — мен учун шараф!

Сўнгсўз

Шермуҳаммад Ашировнинг жасорати юрт фарзандлари учун намунадир. У каби фидойилар ҳаётига назар ташлаган инсон “Мен Ватан учун нима қилайман?” деган саволни ўзига ўзи беради. Чунки бундай инсонлар бизга фақат жасоратни эмас, яшаш маъносини, юрт учун нафас олиш масъулиятини ўргатади.

Бугунги тинч осмонимиз, фарзандларимиз қулгиси, эл осоишталиги ана шу қаҳрамонлар қони, садоқати ва жасорати билан қўриқланмоқда. Улар биз учун жанг қилди, биз эса уларнинг хотирасини сақлаб, ишончига лойиқ бўлишимиз керак.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири